# ШАРТНОМА № 6
## Олди-сотди ҳақида

Тошкент вилояти

«02» ноябрь 2022й.

**«AGRO INNOVATION BIZNES» МЧЖ** номидан директор Азизов Рахмон Рахматович (матнда «СОТУВЧИ») Низом асосида иш юритувчи бир томондан ________________________________ номидан ____________________________ (матнда «ХАРИДОР») Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартноманинг предмети**

1.1. "Сотувчи" мазкур шартнома спецификациясига асосан китоб маҳсулотларини сотиш ва топшириш, "Харидор" эса уни қабул қилиб олиш ва олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олади.
1.2. Шартнома «ХАРИДОР» томонидан 10 календарь кун мобайнида тегишлича расмийлаштирилиши ва 1 нусхаси «СОТУВЧИ»га топширилиши керак.

**2.Сумма ва нархи, хисоб-китоб тартиби**

| *Номланиши* | *Ўлчов бирлиги* | *сони* | *нархи* | *Сумма* | *ҚҚС* | | *сумма* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | *Ставка* | *Сумма* | |
| **Уктиувчилар махсус формаси (костюм, юбка, нимча, кофта ,галстук)** | **дона** | **1200** | **880434,78** | **1056521739,14** | **15%** | **158478260,87** | **1 215 000 000** |
| **Жами:** | **Бир миллиард икки юз ун беш миллион сўм 00 тийин** | | | | | | |

2.1.Ушбу Шартномага асосан етказиб бериладиган китоб маҳсулотларининг умумий суммаси **Бир миллиард икки юз ун беш миллион сум 00 тийин сўмни** ташкил этади.
2.2. «ХАРИДОР» шартнома томонлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бўлимларидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб 10 банк куни ичида шартнома бахосининг 30 % тўловини "Сотувчи"нинг хисоб-рақамига олдиндан ўтказиб беради, қолган 70% тўловни махсулот қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида тўлайди..

Тўлов муддати кечиктирилган холларда Сотувчи мазкур счёт-фактура (спецификация) бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилишига кафолат бермайди, бунинг учун жавобгар бўлмайди ва у ўз омборхонасида қолмаган махсулотларини бошқа шу турдаги махсулотга алмаштириш хуқуқига эга бўлади.

**3.Махсулотни бериш ва олиш**

3.1.Маҳсулот счёт-фактурага мувофиқ қатъий ассортиментда ва миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилган кундан сўнг 5 кун мобайнида Сотувчи томонидан Харидорга топширилиши керак.
3.2. Маҳсулотни олиб кетиш Харидор хисобидан ва унинг транспортида амалга оширилади.

**4. Маҳсулот сифати ва қабул қилиш**

4.1. Мазкур шартномага кўра маҳсулот сифати Давлат стандартларига мувофиқ келиши керак.
4.2. Маҳсулотни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш пайтида амалдаги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Қабул қилиниб, маҳсулотни олишга хужжатлар расмийлаштирилгандан ва уни Сотувчининг худудидан ташқарига олиб чиққандан сўнг, Харидорнинг ассортимент ва миқдорига тегишли ҳеч бир эътирози қабул қилинмайди.
4.3. Харидорнинг маҳсулот сифатига оид эътирозлари ёзма шаклда Сотувчи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда қабул қилинади.

**5. Тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

5.1.Мазкур шартнома бўйича Тарафлар зиммаларига олинган мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт. Тарафлар қонун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, тарафлар етказилган зарарни қоплайди.
5.2. Етказиб берилган матбаа махсулотлари хақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Харидор” “Сотувчи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоиз

микдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3 . Матбаа махсулотларни ўз вактида етказиб бермаганлиги учун "Сотувчи" "Харидор"га хар бир кечиктирилган кун учун етказиб берилмаган махсулот бахосининг 0.5 фоиз микдорда пеня тўлайди, бирок бу микдор етказиб берилмаган махсулот бахосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.4. "Харидор" матбаа махсулотларини "Сотувчи"нинг омборхонасидан 5 кун мобайнида ўз автоуловида олиб чикиб кетиши шарт. сотувчи ўз вактида харидор томонидан омборхонадан олиб кетилмаган махсулот учун жавобгар бўлмайди ва у бу махсулотларни бошка шу турдаги махсулотларга алмаштириш хукукига эга бўлади.

5.5. Мазкур шартномада кўзда тутилмай колган барча холатларда шу жумладан жавобгарлик чоралари бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида"ги Қонунга амал қиладилар.

5.6. Барча эътирозлар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан келишувга эришилмаган тақдирда Тошкент шахар Иктисодий судида хал килинади.

## 6.Форс-мажор холатлар

6.1.Агар шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик енгиб бўлмас куч окибатида ("форс – мажор"холатлари ) шартнома тузилгандан сўнг юзага келган фавкулотда ходисалар натижасида (уруш, сув тошкини, ер қимирлаши, Президент фармони, Хукумат карорлари ва х.о) вужудга келган бўлса .Томонлар шартнома бўйича мажбуриятлари кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Бундан юзага келган молиявий карздорлик масалалари белгиланган тартибда хал этилади.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Хусусий тадбиркорлар шартнома тузишда паспортнинг нусхасини (пропискаси билан ) турар жой манзили, савдо билан шуғулланиш хукуки берилганлик ҳақида гувохнома нусхасини тақдим этиши шарт.

7.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар иккала томоннинг ёзма келишувига мувофик киритилиши мумкин.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Шартнома томонлар имзолаб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг тегишли Ғазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб конуний кучга киради, шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади .

8.2. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали хал килинади.

Музокаралар оркали бирон бир натижага эришилмаса Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судида хал килинади .

8.3. Шартнома хар бир томон учун биттадан икки нусхада тузилди.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган

мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**Томонларнинг манзили, мухр ва имзолари**

**«СОТУВЧИ»**

МЧЖ «AGRO INNOVATION BIZNES»
Узбекистон Республикаси Тошкент вил.
Тошкент тумани ,
Келес йули кучаси 113уй
ИНН: 304828096 МФО 00974
Тошкент шах. ОПЕРУ АКБ Капитал банк
Р/с. с 20208000400760406001

**Директор**____________________**Азизов Р.Р.**

**«ХАРИДОР»**

**Директор**________ Х. А. Шакиров